

“КЕЛИШИЛГАН”

“Микрокредитбанк” АТБ
Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б.

А.А.Мустафаев



“ 01 ” 2026 йил.

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ISHONCH SUG'URTA
KOMPANIYASI” АЖ ҚҚ
Бош директори

Ж.З.Мухоммадиев



“ 01 ” 2026 йил.

ГАРОВГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУГУРТА КИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоида умумий сугурта соҳасининг 3 класс асосида ишлаб чиқилган.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2022 йил “25” ноябрда берилган 050411-сонли Лицензия асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган “ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI” АЖ ҚҚ (кейинги матнларда “Сугурталовчи”) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Қарз олувчилар (кейинги матнларда “Сугурта килдирувчи”) ва “Микрокредитбанк” АТБ ҳамда унинг филиаллари (кейинги матнларда “Наф олувчи”) ўртасида тузилган кредит шартномаси асосида “Гаровга қўйилаётган транспорт воситаларини сугурта қилиш” шартларини белгилайди.

1.2. Томонлар ўртасида сугуртага оид шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар мазкур Сугурта қоидалари (Оферта) ва уларнинг шартларини ўз ичига олган сугурта полисини топшириш орқали ўрнатилади. Сугурта шартномасини тузиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369 ва 370-моддаларига мувофиқ, сугурта килдирувчига Оферта (мазкур Қонданинг 1-иловасига мувофиқ) шаклида таклиф этилади. Ушбу Оферта сугурта муқофотини тўлаш орқали қабулланган тақдирда, Фуқаролик кодексининг 927-моддасига асосан, сугурта полисини (мазкур Қонданинг 2-иловасига мувофиқ) расмийлаштириш орқали сугурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

1.3. Қарз олувчи / Сугурта килдирувчи ушбу Қоидалар асосида сугурта полиси расмийлаштирилиши жараёнида, сугурта полиси амал қилиш муддати давомида унинг шахсий маълумотлари Сугурталовчи томонидан қайта ишланишига (йиғиш, тизимлаштириш, саклаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, такдим этиш, тарқатиш, узатиш, шахсини аниқлаш имконини бермайдиган шаклга келтириш ва йўқ қилиш) ўз розилигини беради.

Шу билан бирга, суғурта муносабатлари доирасида Суғурта килдирувчи суғурта полиси расмийлаштириш вақтида тақдим этган мобил рақамга SMS-хабарномалар юборилишига ҳам розилик билдиради.

2. УМУМИЙ ТАЪРИФЛАР

2.1. Қуйида келтирилган, ушбу Қоидаларда ишлатилган атамалар, агар бошқача тартиб алоҳида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги маъноларни англатади:

Суғурталовчи – Суғурта полисига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс.

Суғурта килдирувчи (қарз олувчи) – Суғурта полисига асосан ўз мулкый манфаатини ёки учинчи томоннинг манфаатини суғурталайдиган томон.

Наф олувчи – Суғурта килдирувчи томонидан суғурта полиси бўйича суғурта қопламасини олиш учун белгиланган шахс.

Гаровга қўювчи – юридик ёки жисмоний шахслар, ўз мулки ҳисобланган транспорт воситасини қарз мажбуриятларини таъминлаш мақсадида гаров сифатида тақдим этувчи тараф. Қарз олувчининг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Суғурта объекти – мазкур суғурта қоидаси бўйича гаровга қўйилаётган транспорт воситасига эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунарига зид бўлмаган мулкый манфаатлар суғурта объекти ҳисобланади.

Суғурта суммаси – Суғурта полисида белгиланган пул маблағлари бўлиб, ушбу сумма миқдоридида суғурта объекти суғурталанган, суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида қоплаш мажбуриятини олади.

Суғурта қиймати – суғурта полиси расмийлаштириш пайтда суғурта объектининг қиймати бўлиб, у Суғурта килдирувчи ва Наф олувчи ўртасида далолатнома орқали келишилган ҳолда белгиланади.

Суғурта шартномаси – бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369 ва 370-моддаларига мувофиқ тарзда суғурта килдирувчига мазкур Суғурта қоидаларини Оферта шаклида тақлиф этилган ва суғурта мукофотини тўлаш орқали акцептланган, мазкур Суғурта қоидаларини ўз ичига олган суғурта полиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 927-моддасига асосан Суғурта қоидалари суғурта полиси алоҳида суғурта шартномаси сифатида ҳисобланади ва у суғурта шартномаси сифатида рўйхатдан ўтган индивидуал рақамга эга бўлади. (кейинги ўринларда суғурта полиси).

Суғурта полиси – Суғурта Қоидалари шартларини ўз ичига олган, суғурта қилиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Суғурта мукофоти – суғурта килдирувчи томонидан суғурталовчига суғурта Қоидаларида шарт қилиб кўрсатилган тартибда ва муддатларда тўланадиган суғурта учун тўлов.

Суғурта товони – суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарни Суғурталовчи Наф олувчига ёки унинг розилиги билан Суғурта килдирувчига / Гаровга қўювчига суғурта суммаси доирасида қоплайдиган пул маблағлари миқдори.

ТВ нинг шикастланиши – суғурта ҳодисалар юз бериши оқибатида ТВга шикаст етказилиши, нобуд бўлиши, йўқ қилиниши ва ҳ.к.

Учинчи шахслар – Қарз олувчидан ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахс деб ҳисобланади.

Суғурта даври – суғурта полисида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи / Гаровга кўювчи томонидан суғурта мукофоти (унинг биринчи / навбатдаги қисми) ўз вақтида тўланиши шарти билан мазкур Қоидалар амал қиладиган вақт даври. Суғурталовчи суғурта даври давомида содир бўлган ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта ҳодисалари бўйича ўз мажбуриятларини бажаради.

Ёнғин – моддий бойликларнинг барбод бўлиши ва шикастланиши билан кузатиладиган ва одамлар ҳаётига хавф солувчи назорат қилиб бўлмайдиган ёниш жараёни.

Портлаш – портловчи модда ёки осон алангаланувчи модданинг ҳолатидаги тўсатдан ўзгаришлар содир бўлиши оқибатида энергиянинг ўта тез ажралиб чиқиши. Портлаш таъсирида етказилган зарар, агар ҳодиса хавфсизлик чоралари кўрилишига қарамасдан, олдиндан айтиб бўлмайдиган шаклда содир бўлиб, бошқариб бўлмайдиган ҳолга айланса ва суғурта қилинган мол-мулкнинг барбод бўлиши ёки шикастланишига олиб келса ёхуд уни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтирса, суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади.

Табиий офат – хавфли ва (ёки) ноқулай табиат ҳодисалари, улар ўзларининг интенсивлиги (кучлилиги), тарқалиш кўлами ва (ёки) давомийлиги туфайли суғурталанган транспорт воситасининг шикастланишига олиб келиши мумкин. Ҳодисаларни табиий офатларга таснифлаш ваколатли органларнинг (гидрометеорология ёки сейсмология хизматлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқалар) содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (хулосалари) асосида амалга оширилади. Ушбу суғурта Қоидасида табиий офатлар деганда қуйидагилар тушунилади:

а) бўрон (довул) – 15 м/с дан юқори тезликдаги кучли шамоллар.

б) шамол таъсири – суғурталанган мол-мулкка ёки унинг яқинида бўлган мол-мулкка Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази маълумотномаси билан тасдиқланган 15 м/с ва ундан юқори тезликда шамол таъсир этиши.

в) ёнғингарчилик – ҳар қандай миқдорда дўл ёки 12 соат ва ундан кўп вақт мобайнида 12 мм дан ортиқ ёққан ёмғир, қор.

г) кўчки – тоғ жинслари, денгиз ва дарёлар қирғоқларининг муайян жойларини нураши ёки уларга ер усти ёхуд ер ости сувлари, ёнғингарчиликлар таъсири, қирғоқ чизигининг ювилиши ва ушбу жинсларнинг оғирлик кучи таъсири ёхуд zilzila натижасида тўсатдан узилиб тушиши.

д) сел – тоғ ёнбағирларида, кўпинча дарёлар ўзани бўйлаб жала ёмғирлари ёки қор ёхуд музликларнинг жадал эриши оқибатида пайдо бўладиган лойқали, лойка-тошли, лойка-қумли оқимлар.

е) яшин уриши – булутлар ва ер ўртасида кучли электр разрядлар натижасида содир бўладиган табиат ҳодисаси. Ерга етган яшин ёнғин ва бузилишларни келиб чиқаради. Суғурта объекти яшин уришидан барбод бўлса ва шикастланса, суғурта товони барча вазиятларда тўланади.

ж) сув тошқини – сув хавзалари (дарё, кўл, денгиз)да сув сатҳининг юқори кўтарилиши ва қирғоқлардан чиқиши оқибатда катта ҳудуддаги қуруқликнинг нисбатан тез даражада сув босиши.

з) зилзила – Рихтер шкаласи бўйича 4,0 баллик магнитуда ва ундан юқори бўлган ерости силкинишлар ва ер устки қатламининг тебраниши.

Суғурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси.

Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими – (бундан буён матнда Ягона тизим деб юритилади) – манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган суғурта бозори маълумотларини ҳисобга олиш ва истеъмолчиларга электрон суғурта хизматларини кўрсатиш имкониятини таъминловчи ягона тизим. Суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полислари Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказилади ва суғурта полислари ушбу тизим орқали расмийлаштирилади.

2.2. Ушбу Қоидада қўлланиладиган барча таърифлар ушбу Қоидада улар учун белгиланган маънога эга. Агар мазкур Қоидаларда бирор атама учун ҳеч қандай тавсиф бўлмаса, уларнинг маъноси Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3. СУГУРТА ХОДИСАСИ

3.1. Суғурта даврида транспорт воситасининг қуйидаги таваккалчиликлар натижасида шикастланиши ва/ёки жисмоний йўқотилиши суғурта ходисаси ҳисобланади:

- йўл-транспорт ходисаси (ЙТХ);
- транспорт воситасига ўрнатилган газ баллон ускунаси портлаши натижасида транспорт воситасига етказилган зарар;
- транспорт воситасининг ўғирланиши;
- табиий офатлар;
- ёнгин, портлаш, чакмоқ уруши;
- сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши натижасида транспорт воситасига етказилган зарар;
- бузиш билан ўғирлик;
- учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;
- предметларнинг урилиши (дарахтларнинг синиши).

4. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур Қоидаларга кўра қуйида келтирилган ҳолатлар оқибатида юз берган ходисалар суғурта ходисалари деб тан олинмайди:

а) исталган шаклдаги алкоғолли, гиёҳвандлик ёки токсик мастлиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва диққатини пасайтирувчи дори препаратларининг таъсирида бўлган Ҳайдовчининг автотранспорт воситаларини бошқариши;

б) Ҳайдовчининг Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати Қоидаларининг XI бўлимида белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши ҳамда йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўл тасмасига чиқиши каби йўл ҳаракати қоидаларини бузиши;

в) автотранспорт воситасидан бошқаришга ўргатиш мақсадида ёки мусобақаларда ва синовларда иштирок этишда фойдаланиш;

д) Суғурта полиси тузишда, унинг амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи ва / ёки Наф олувчи Суғурталовчига суғурталанган ТВ тўғрисида нотўғри маълумот бериши;

е) мазкур Қоидада амал қилувчи ҳудуддан ташқарида содир бўлган ходисалар;

ж) ҳарбий босқинчилик ҳаракатлари, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбийга ўхшаш

ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), фуқаролик уруши;

з) шахс ёки гуруҳ томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари;

и) ядровий ёқилги ёниши, турли радиоактив чиқиндилар, ядровий ёқилги келтирган ифлосланишлар натижаси.

4.2. Суғурталовчи ушбу Қоидага кўра қуйидаги ҳолларда етказилган зарарларни қоплаб бермайди:

а) суғурта қилинган ТВнинг йўқолган давлат рақами белгисини тиклаш харажатлари, товар қийматини йўқотилиши ва ишлаб чиқарувчи- завод нуқсонларини;

б) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчининг Суғурта қилинган ТВ га ўзгартиришлар киритиши ва/ёки уни такомиллаштириши билан боғлиқ харажатларни;

в) Суғурталанган ТВда бўлган ижарага, лизингга ёки қарзга олинган мол-мулкка, шунингдек Суғурталанган ТВ га юкланаётган ёки ундан тушириляётган мол-мулкка етказилган ҳар қандай зарарни;

г) суғурта қилинган ТВнинг, жумладан унинг алоҳида деталь ва қисмларининг табиий ейилиши.

Бироқ, суғурта қилинган транспорт воситасининг табиий эскириши натижасида нобуд бўлиши ёки шикастланиши мазкур Қоидалар бўйича қопланади.

4.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда суғурта товонини тўлаб беришдан озод этилади:

а) Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Қоидаларда кўрсатилган, суғурта ҳодисаси рўй берганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этилмаганлиги сабабли қарор қабул қилиш имконияти бўлмаса;

б) агар Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи / Наф олувчи бошқа шахслардан (жумладан айбдордан) етказилган зарар учун тўлиқ товон суммаси олган бўлса.

4.4. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчининг суғурта ҳодисаси билан боғлиқ билвосита ва бошқа харажатлари (жарима, таъмирлаш-тиклаш ишлари вақтида меҳмонхонада истиқомат қилиш, хизмат сафари харажатлари, кўзда тутилган даромаддан маҳрум бўлиш, туриб қолиш, қафолат муддати тугаши билан боғлиқ моддий зарарлар, маънавий зарар), шунингдек бевосита ва билвосита солиқлар ва зарур харажатлардан ортиқ ҳажмда қилинган барча харажатлар бўйича жавобгар бўлмайди.

4.5. Ушбу Қоидаларда кўзда тутилмаган ёки ёзилмаган Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчига тегишли ҳар қандай мажбуриятлар бўйича Суғурталовчи жавобгар бўлмайди.

4.6. Суғурталовчи суғурта полиси расмийлаштириш вақтида Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчининг ТВда мавжуд бўлган дефектлардан хабардор бўлиши ва хабардор бўлмаслигидан қатъий назар ушбу бўйича жавобгар бўлмайди.

5. СУГУРТА СУММАСИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Суғурта баҳосининг тўлиқ бўлмаган қиймати бўйича суғурта қилинганида, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 936-моддасига биноан зарарни қоплаш қиймати суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатан мутаносиб равишда камайтиради.

5.2. Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасининг Суғурта суммаси суғурта полисида кўрсатилади.

5.3. Суғурта мукофоти суғурта суммасини суғурта тарифига ҳамда суғурта даврига кўпайтириш орқали аниқланади ҳамда суғурта полисида кўрсатилади.

5.4. Ушбу Қоидалар бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

5.5. Мазкур Қоидаларда франшиза қўлланилмайди.

6. СУЎУРТА ПОЛИСИНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта мукофоти тўлиқ Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан кейин, Суғурталовчи мазкур Қоидалар асосида расмийлаштирилаётган суғурта полиси учун суғурта мукофоти тўланганлиги ҳақидаги маълумотни ўз ахборот тизимига киритган ҳолда, Ягона тизимга суғурта полиси учун сўровни юборади.

6.2. Суғурталовчининг сўровидан сўнг, суғурта полиси Ягона тизим орқали автоматик тарзда расмийлаштирилади.

6.3. Ягона тизим томонидан суғурта полиси расмийлаштирилганлиги тўғрисида Суғурта қилдирувчининг полисида кўрсатган мобил телефон рақамига суғурта полисига электрон ҳавола қилинган ҳолда хабарнома юборилади ҳамда суғурта қилдирувчи хабарномадаги ҳавола орқали суғурта полисини электрон шаклини юклаб олади.

6.4. Ягона тизим томонидан Суғурталовчининг ахборот тизимига ҳавола жўнатилгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта қилдирувчининг полисида кўрсатган телефон рақамига хабарнома юборади. Суғурта полисининг хақиқийлиги суғурта полисининг махсус коди (QR-код) орқали текширилиши мумкин.

6.5. Суғурталовчи ягона тизим томонидан юборилган ҳаволага кирган ҳолда электрон суғурта полисини юклаб олади ва Суғурта қилдирувчи / Наф олувчига унинг истагига кўра электрон шаклда (электрон почта, мессенджерлар орқали) ёки қозғалма чоп этган ҳолда тақдим этиши мумкин. Суғурта полиси кредит муддатига мутаносиб давр учун берилади.

6.6. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаб бериш бўйича мажбурияти, Суғурта қилдирувчи томонидан ўз вақтида суғурта мукофоти тўланган тақдирда, суғурта мукофоти тўланган санадан бошланиб, суғурта полиси расмийлаштирилади ва полис кучга киради.

6.7. Кредит шартномаси / келишувининг муддати узайтирилган тақдирда ушбу суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчининг мурожаатига асосан суғурта полиси янги муддатга қайта расмийлаштирилиши мумкин. Бунда, суғурта қилдирувчи томонидан қўшимча муддатга мутаносиб равишда суғурта мукофоти тўловини амалга оширади.

6.8. Суғурта қилдирувчи Наф олувчи олдидаги кредитни сўндириш бўйича мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарган тақдирда Суғурта қилдирувчининг ўзи Наф олувчи бўлиб ҳисобланади.

7. СУЎУРТА ПОЛИСЛАРИНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу Қоида ва унга асосан бериладиган суғурта полислари суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар суғурта полиси

бўйича ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларни тўлиқ бажаргунгача амалда бўлади.

7.2. Суғурталовчининг ёки унинг ваколатли шахсининг ҳисоб рақамига белгиланган микдордаги пул маблағлари келиб тушган кун, суғурта мукофоти кирим қилинган кун деб ҳисобланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Мазкур суғурта Қоидалари доирасида:

8.1.1. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчи билан келишувга асосан мазкур Қоидалар шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

б) мазкур Қоидалар доирасида Суғурталовчидан маслаҳат олиш;

в) мазкур Қоидаларнинг 6.4. ва 6.5. банларида кўрсатилган муддатда Суғурта полисини олиш.

г) мазкур Қоидаларда кўрсатилган тартибда суғурта товонини олишга;

д) суғурталанган транспорт воситаси тўлиқ нобуд бўлган (йўқ қилинган) тақдирда суғурта товонини олгандан сўнг, суғурталанган транспорт воситасига бўлган ҳуқуқларидан алоҳида ҳужжатни (далолатнома, келишув) расмийлаштириш орқали Суғурталовчининг фойдасига воз кечиш.

8.1.2. Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи қуйидагиларга мажбур:

а) мазкур Қоидаларда кўрсатилган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотларини тўлаш;

б) Суғурта ҳодиса юз берганида ваколатли органларни (Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси – ЙХХБ, ФВВ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси – ЁХБ, Ички ишлар бўлими – ИИБ ва бошқ.) ҳодиса юзага келганлиги ҳақида дарҳол хабардор қилиш;

в) юзага келган вазиятда Суғурта қилинган ТВ ни сақлаб қолиш, мумкин бўлган зарарларни камайтириш ёки олдини олиш бўйича оқилона ва иложи бўлган чораларни кўриш;

г) Шикастланган ТВ ни таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланишидан олдин Суғурталовчи билан Суғурта қилинган ТВ ни кўриқдан ўтказиш жойи, санаси ва вақтини келишиб олиш;

д) Суғурталовчи билан келишмасдан туриб ускуналар демонтажи ёки суғурта қилинган ТВ ни таъмирлаш бўйича ҳеч қандай ишларни, ҳайдовчи ва/ёки йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш зарурати мавжуд бўлган ёки ваколатли органларнинг буйруқлари ва кўрсатмаларини бажарилиши шарт бўлган ҳолатлар бундан мустасно, бошламаслик;

е) Суғурталовчига, содир бўлган ҳодисанинг барча тафсилотларини ўрганиб чиқиш учун зарур бўлган мазкур Қоидаларнинг 9.2.-бандида кўрсатилган барча ҳужжатларни тақдим этиш;

ж) Суғурта қилинган ТВ ни эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича барча йўриқномалар (қоидалар, қўлланмалар)га риоя қилиш, шунингдек ундан фақат суғурта қилиш учун берилган аризада кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш;

з) Суғурталовчига ёки унинг вакиллариغا исталган вақтда суғурта қилинган ТВни кўриқдан ўтказиш учун имконият ва руҳсат бериш.

8.1.3. Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи ва Гаровга қўювчи қуйидагиларга мажбур:

а) агар ўғирланган ТВ топилса ва/ёки Суғурта килдирувчига/Гаровга кўювчига қайтариб берилса, Суғурталовчига ўғирланган ТВ учун тўланган суғурта товонини қайтариб бериши керак (агар ТВ шикастланган ҳолда топилса, Суғурта килдирувчи / Гаровга кўювчига кўрилган зарар коплаб берилади).

8.1.4. Суғурталовчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга қаратилган огоҳлантирувчи тадбирларни ўтказиш;

б) Суғурта килдирувчи/Гаровга кўювчи томонидан етказилган моддий зарарни баҳолаш бўйича тақдим этилган ҳисобот билан норози бўлган тақдирда, қонунчиликда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишга.

8.1.5. Суғурталовчи мажбуриятлари:

а) Суғурта полисини мазкур Қоидаларнинг 6.4-бандида кўрсатилган муддатларда бериши шарт;

б) барча зарур ҳужжатларни олганидан ва суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан кейин суғурта товонини мазкур Суғурта қоидалари ва суғурта полисида кўзда тутилган миқдорда ва муддатларда тўлаб бериш.

9. СУГУРТА ТОВОНИ ТЎЛАНИШИ БЎЙИЧА АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

9.1. Мазкур Суғурта қоидалари доирасида Суғурта ҳодиса юз берганида, Суғурта килдирувчи / Наф олувчи / Гаровга кўювчи / Ҳайдовчи қуйдагиларни бажарилишига мажбур:

– бу ҳақда Суғурталовчини исталган қулай усул билан хабардор қилиши ва Суғурталовчига зарар етказилишига таъсир кўрсатган сабаб ва ҳолатларни кўрсатган ҳолда ёзма Мурожаатномани ҳодиса юз берганидан кейин 30 (ўттиз) иш кундан кечиктирмасдан тақдим этиши;

– ҳодиса тўғрисида, ҳодиса содир бўлган жойда баённома ёки маъмурий далолатнома тузиб, содир бўлган ҳодиса тавсифига қараб тегишли ваколатли органига дарҳол хабардор қилиши;

– Суғурталовчига шикастланган ТВ ни кўрикдан ўтказиш учун тақдим этиши, агар бунинг имкони бўлмаса таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланишигача Суғурта қилинган ТВ нинг барча шикастланган қисмларини фотосуратга ёки видеотасвирга олиши керак.

9.2. Қуйдаги ҳужжатлар суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин Суғурта килдирувчи / Наф олувчи / Гаровга кўювчи томонидан 30 кундан кеч қолмаган ҳолда тақдим этилиши лозим (агар ҳужжатларни ушбу муддатда тақдим этиш объектив сабабларга кўра имконсиз бўлмаса):

а) суғурта полиси;

б) тегишли органларнинг (йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги органлари, МФЙ ва ҳоказо) ваколатли вакиллари тузган, ҳодисанинг иштирокчилари ва ҳолатлари кўрсатилган далолатноманинг (қарор ёки маълумотноманинг) асл нусхаси, жумладан ТВнинг ўғирланиши ҳолатида жиноий иш кўзғатилганлиги ҳақидаги ҳужжат;

б) ЙТХ содир бўлганда йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари ҳодиса жойини кўздан кечириши баённомасининг нусхаси;

в) Суғурталанган транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (техник паспорт, агар транспорт воситаси ҳужжат билан ўғирланган бўлса, ҳужжатнинг тақдим этилиши шарт эмас);

г) Суғурта ходисаси юз берганда суғурталанган транспорт воситасини бошқарган шахснинг ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхаси;

д) йўл варақасининг ёки эгаллик ҳуқуқини берувчи ишонч қоғози ёки ишонч қоғозига тенглаштирилган ва Суғурта қилинган ТВ ни мулкдор номидан бошқариш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатнинг нусхаси;

е) ЙТХ содир бўлганда алкоғолли, гиёҳвандлик, токсик ёки исталган турдаги мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича ҳодиса иштирокчиларининг суд-тиббий экспертизасининг ҳулосаси;

ж) агар суғурталанган транспорт воситаси буюмларнинг зарбаси (жисмлар урулиши) rischi бўйича зарарланганда Суғурталовчи ходимлари ва гувоҳлар иштирокида суғурта ходисаси юзасидан далолатнома тузиш орқали суғурта ходисаси факти аниқланиши мумкин;

з) моддий зарарни баҳолаш учун баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган ва Суғурта қилинган ТВ ни қайта тиклаш учун зарур барча ишлар ва материаллар нусхаси.

Агар суғурта ходисаси суғурталанган транспорт воситасининг нобуд бўлиши (йўқ бўлиши) туфайли юзага келган бўлса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонини олгандан кейин юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда суғурталанган транспорт воситасига ёки унинг қисмларига бўлган ҳуқуқларидан Суғурталовчи фойдасига воз кечиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

9.3. Зарур бўлганида, ҳодиса тафсилотларини аниқлаш мақсадида, Суғурталовчи ҳодиса юз бериши билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиши мумкин.

9.4. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида Суғурталовчи суғурта ходисасини тан олиш ёки тан олмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Агар Суғурталовчи ушбу ҳодисани суғурта ходисаси деб тан олса, тўланиши керак бўлган суғурта товонининг миқдори белгиланади ва далолатнома тузилади.

9.5. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига / Наф олувчига / Гаровга қўювчига, Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

10. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур Қондалар бўйича суғурта товони миқдори қуйидагича аниқланади:

10.1.1. ТВ нинг ҳалокати ёки ўғирланишида – қўрилган зарар миқдорида, лекин мазкур Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдоргача тўланади.

10.1.2. Шикастланганда ёки учинчи шахслар томонидан ТВ шикастланганида – зарар суғурта полисида белгиланган суғурта суммаси доирасида, баҳолаш фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган мустақил баҳолаш ташкилотининг транспорт воситасини тиклаш учун зарур бўлган ишларнинг рўйхати кўрсатилган калькуляциясини суммасига тенг бўлган миқдорда суғурта товони тўланади.

10.1.3. Суғурталовчи шунингдек суғурта суммаси доирасида суғурталанган транспорт воситасини таъмирлаш пайтида аниқланган, суғурта ходисаси

натижасида юзага келган ва баҳоловчи ташкилотнинг хулосаси билан тасдиқланган яширин шикастларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплайди.

10.2. Суғурта ходисаси юз берганда Суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов, агар Суғурта қилдирувчи/Гаров кўювчи суғурта суммасини тиклаш учун кўшимча суғурта мукофоти тўламаган бўлса, суғурта суммасини шу тўлов миқдорига камаяди. Суғурта суммасини қайта тиклашда Суғурталовчи вазият ва зарар миқдорига қараб, суғурта тарифини томонларнинг келишувига кўра ортиб борувчи коэффицентларидан фойдаланиши мумкин.

10.3. Суғурта товонини тўлаш:

10.3.1. Суғурта товони амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, Наф олувчига ёки уни розилиги билан Суғурта қилдирувчи/Гаровга кўювчига тўланади. Бунда Наф олувчи Суғурта қилдирувчининг ундан қарз бўлган кредит суммасидан кўп бўлмаган миқдордаги суғурта товонини олишга ҳақлидир, суғурта товонининг қолган қисми Суғурта қилдирувчи/Гаровга кўювчининг зарарини қоплашга йўналтирилади.

10.3.2. Агар Суғурта қилдирувчи/Гаровга кўювчи/Наф олувчига учинчи шахс томонидан ТВга етказилган зарар бўйича тўловни олган тақдирда, Суғурталовчи полисда кўрсатилган тўланиши керак бўлган тўлов суммасининг учинчи шахсдан олган тўлов миқдори ўртасидаги фарқини тўлаб беради.

Агар ТВ етказилган зарар суммасини учинчи шахс томонидан олинган вақтда Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлаб берилган бўлса, Суғурта қилдирувчи/Гаровга кўювчи/Наф олувчи Суғурталовчига тўланган суғурта товони миқдоридаги тўловни қайтариши шарт.

Агар Суғурта қилдирувчи/Гаровга кўювчи/Наф олувчи Суғурталовчига учинчи шахс томонидан етказилган зарар миқдори тўланмаган ва у Суғурталовчи томонидан тўлаб берилган тақдирда учинчи шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи Суғурталовчига ўтади.

10.3.3. Суғурта товони томонлар суғурта ходисаси тўғрисидаги далолатномани имзолаганидан сўнг, Наф олувчига ёки унинг розилиги билан Суғурта қилдирувчига 5 (беш) календар кун муддатда пул ўтказиш орқали тўловни амалга оширилади.

10.4. Тўлиқ мулкый суғурталашда суғурталанган ТВ нинг шикастланган қисмларига мулкчилик ҳуқуқи тўланган сумма миқдорида Суғурталовчига ўтади.

11. СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИНГ БЕКОР БЎЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Суғурта полисининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- унинг амал қилиш муддати тугаганда;
- суғурта полиси томонларнинг келишувига кўра бекор қилинганда;
- Суғурталовчининг ёки юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда тугатилганда;
- суд суғурта полисини ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

11.2. Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар Суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахслар томонидан муддатидан олдин тўлиқ бажарилган тақдирда, суғурта полиси Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси ва наф олувчининг ёзма розилигига

кўра, ушбу хужжатлар Суғурталовчига тақдим этилган кундан бекор қилинади, бундай ҳолатларда Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишдаги миқдорини чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

11.3. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Суғурта полисидан муддатидан олдин бекор бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини унинг суммасидан қатъий назар тўлаган бўлса ёки унинг зиммасида суғурта ҳодисаси юз бериши билан боғлиқ суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурият бўлса, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

11.4. Кредит шартномаси бўйича кредит берувчи томонидан кредит ажратилмаган ҳолатларда суғурта полиси (шартномаси) суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси ва наф олувчининг маълумотига кўра муддатидан олдин бекор қилинади, бундай ҳолатларда Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишдаги миқдорини чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

12. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.2. Тўланиши лозим бўлган суғурта товони кечиктирилган ҳолда, Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга куювчи, Суғурталовчига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган суғурта суммасининг 0,1% га тенг миқдорда, лекин суғурта полиси бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 25% дан ортиқ бўлмаган пеня қўйиш ҳуқуқига эга. Пеня тўлаш Суғурталовчини суғурта суммасини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

12.3. Томонлар суғурта Қоидалари бўйича ўз мажбуриятларини енгилмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг таъсири туфайли бажара олмаган ҳолатларда жавобгарликдан озод қилинадилар. Енгилмас куч ҳолатларининг таъсирига тушган томон иккинчи томонга кўрсатилган ҳолатлар юзага келгани ва сақланиши эҳтимоли борлиги ҳақида дарҳол хабар бериши керак. Енгилмас куч (форс-мажор) ҳолатлари туганидан сўнг, суғурта полисининг амал қилиши давом этади.

13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1. Мазкур Қоидаларда кўзда тутилган ёки у билан боғлиқ баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган ҳолатларда томонлар уларни музокара йўли билан бартараф қилиш чораларини кўрадилар.

13.2. Агар томонлар музокаралар орқали тинч йўл билан келишмаса, суғурта полиси (шартномаси), унинг тузилиши, ўзгариши, тугатилиши, бекор бўлиши, ҳақиқий эмаслиги, тузилмаганлиги (тўлиқ ёки қисман) билан юзага келган ёки келиб чиқадиган барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра суд тартибида ҳал этилади.

14. СУБРОГАЦИЯ

14.1. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга куювчининг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига ўтади, бунда Қарз олувчи / Суғурта қилдирувчи / Гаровга куювчи ва уларнинг яқин қариндошлари ёки суғурталанган транспорт воситасини қонунчиликда белгиланган тартибда бошқаришга руҳсат берилган шахслар айбдор ҳисобланган ҳоллар бундан мустасно

(Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТВЭФЖМСҚ) полиси мавжуд бўлмаганда ҳам).

14.2. Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддаси талабларига мувофиқ Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

14.3. Агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортикча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

14.4. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи зарар миқдори айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланган ва / ёки қопланаётган бўлса суғурта товонини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

14.5. Агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи учинчи шахслардан зарар товонини олган бўлса, Суғурталовчи суғурта шартлари бўйича тўланиши лозим бўлган сумма ва учинчи шахслардан олинган сумма ўртасидаги фарқни тўлайди. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи учинчи шахслардан зарар қопланганлиги ҳақида хабардор бўлган пайтдан 15 кун ичида Суғурталовчини олган компенсациялари тўғрисида хабардор қилишга, шу жумладан агар ушбу тўловлар суғурта товони тўловидан кейин ва / ёки суғурта полси муддати тугаганидан кейин амалга оширилган бўлса ҳам, компенсация миқдорини 15 кун ичида Суғурталовчига қайтаришга мажбур.

15. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

15.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣ характердаги хизматлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

15.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни тақлиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

15.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада

ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ўзма хабарномалар “Микрокредитбанк” АТБнинг алоқа тармоклари ёки Суғурталовчининг ишонч телефонлари орқали амалга оширилади.

15.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

15.5. Мазкур Қоида бўйича берилган суғурта полисларини коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ўзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

16. БОШҚА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур Қоидаларга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўзма шаклда бажарилиши лозим.

16.2. Томонларнинг мазкур Қоидаларда баён этилмаган барча ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан тартибга солинади.